«ТАСДИҚЛАЙМАН»
"Янгиқўрғон туман халқ таълими бўлими мудири"

__________________ А.Қаюмов

«24 » ноябрь 2022 й

# БУЮРТМАЧИ:

## « Янгиқўрғон туман ҳалқ таълими бўлими »

**"Қораёнток" МФЙ-да жойлашган 9 – сонли умумий ўрта таълим мактаб биносини мукаммал таъмирлаш ишларини бажариш**

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

**Янгиқўрғон шаҳри -2022 йил**

# Танлов хужжатларининг мазмуни:

# I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўрикнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1“Қорёнток” МФЙ-да жойлашган 9 – сонли умумий ўрта таълим мактаб биносини мукаммал таъмирлаш бўйича малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг бошлағич қиймати – **957400695 (тўққиз юз эллик етти миллион тўрт юз минг олти юз тўқсон беш )** сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун.

1.4.Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Янгикўрғон туман ҳалқ таълими бўлими” (бундан кейин - “Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 161200, Ўзбекистон Республикаси Наманган вилояти Янгикўрғон тумани Янгикўрғон шаҳари Наманган кўча 13 уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Янгикўрғон туман ҳалқ таълими бўлими” биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга малакали хизмат кўрсатиш бўйича белгиланган юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар ўзининг низоми ва лицензия асосида тақдим этган холда иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

- Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва гувохномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг шахсий ИНН си ва паспорт нусхалари).

-Танловда қатнашиш кунида Давлат солиқ инспексиясидан солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома.

- Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги уч йиллик иш тажрибаси.

- Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари. Банк кафилиги бўлсин.

- Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

- Танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш қўл ёзма

- Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати.

- Объектнинг жамланма жадвали, объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхати, объект қурилишининг шартномавий нархини белгилашда ишлатилган асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
"Янгиқўрғон туман ҳалқ таълими
бўлими мудири"

____________ А.Қаюмов
« 24 » ноябрь 2022 й

## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

| № | Асосий маълумотлар | Бажарувчи |
|---|---|---|
| 1 | Қабул қилувчи ташкилот | Янгиқўрғон туман ҳалқ таълими бўлими |
| 2 | Буюртмачи | Янгиқўрғон туман ҳалқ таълими бўлими |
| 3 | Буюртма учун асос | Нуқсон далолатнома, Лойиха сметва ва эскпертиза хулосаси |
| 4 | Объектнпнг жойлашган манзили | "Қорёнтоқ" МФЙ-да жойлашган 9 – сонли умумий ўрта таълим мактаб |
| 5 | Қатнашувчи учун талаблар | - Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва гувохномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг шахсий ИНН си ва Паспорт нусхалари).<br>-Танловда қатнашиш кунида Давлат солик инспексиясидан, солиқлардан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома.<br>- Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги уч йилликда қилинган иш тажрибаси.<br>- Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари. Банк кафилиги бўлсин.<br>- Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома<br>- Танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш қўл ёзма<br>- Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати.<br>- Объектнинг жамланма жадвали, объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхати, объект қурилишининг шартномавий нархини белгилашда ишлатилган асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари. |
| 6 | Товар (иш хизмат махсулот) номи ва миқдори | "Қораёнтоқ" МФЙ-да жойлашган 9– сонли умумий ўрта таълим мактаб биносини мукаммал таъмирлаш |
| 7 | Иш тури | Бинони мукаммал таъмирлаш |
| 8 | Хизматларни бажариш муддати | Шартномаларни имзолаган кундан бошлаб 10 кун муддатда |
| 9 | Техника хавфсизлиги бўйнча талаблар | Хизматларни бажариш жараёнида ёнғин, саноат ва техника хавфсизлиги қойдаларига тўла риоя қилиниши шарт. |
| 10 | Молияташтириш манбаи | Янгиқўрғон туман ҳалқ таълими бўлими бюджет маблағлари ҳисобидан. |

**Давлат харидлари ва шартнома гуруҳи раҳбари:** **Ш.Абдуллаеа**

**Бош ҳисобчи:** **У.Исломов**

**Иқтисодчи:** **У.Абдувалиев**